

ТИЛНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ТИЗИМИ,  
ҚИЁСИЙ ТИПОЛОГИК ИЗЛАНИШЛАР  
ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК  
МУАММОЛАРИ

**МАТЕРИАЛЛАР  
ТЎПЛАМИ  
XIII**



## REFERENCES:

1. Council of Europe (2007). From Linguistic Diversity to Plurilingual Education: Guide for the development of Language education Policies in Europe, Language Policy Division, Council of Europe, Strasbourg.
2. Cummins, J (2013). Language and Identity in multilingual schools: Constructing evidence-based instructional policies. *Managing Diversity in Education: Languages, Policies, Pedagogies*.
3. King and Carso (2016). *The Multilingual City, Vitality, Conflict and Change, Multilingual Matters, Bristol*.
4. Sr bilarlo-<https://blog.blarlo.com> > Advantages and disadvantages of bilingualism - Blog de Noticias.
5. <https://connectusfund.org/6-advantages-and-disadvantages-of-multilingualism>
6. <https://www.google.com/url?sa=t&source=web&rct=j&url=https://www.myayan.com/advantages-and-disadvantages-of-being-multilingual>.

## ТЕОДОР ДРАЙЗЕРНИНГ “ДАҲО” (“GENIUS”) РОМАНИДАГИ ЮДЖИН ВИТЛА - ҲИРСУ ҲАВАСГА ЕНГИЛГАН ДАҲО ОБРАЗИ

БухДУ Инглиз адабиётшунослиги кафедраси ўқитувчиси  
Улуғбек Очилов

Драйзернинг “Америка фожиаси” ва “Бахтиқаро Керри” романларидаги каби, “Даҳо”даги воқеалар ҳам Америка ҳаётининг ёрқин тасвирларига бой, пухта ёзилган реал асосда ривожланади. Юджин Витла ўз бахтини катта шаҳарда - Чикагода қидиради. Эҳтиёж уни ҳар қандай ишни бажаришга мажбур қилади: кир ювади, кредитга сотиладиган буюмлар билан шуғулланади ва ҳоказо. Реал фон ёзувчига романнинг бош қаҳрамонларининг жамиятда тутган ўрнини аниқроқ кўрсатишга ва уларга нисбатан муносабатини у ёки бу шаклда ифодалашга ёрдам беради.

Драйзернинг “Даҳо” (“Genius”) романида воқеа-ҳодисалар ривожининг бошқачароқ талқинига дуч келамиз. “Америка фожиаси”да натурализм натижалари бош қаҳрамоннинг ўлими, “Бахтиқаро Керри”да аёл кишининг иффати топталганида ифодаланиб, яқун топса, “Даҳо” романида ташқи муҳит ва биологик омиллар натижасида оиланинг емирилиши кузатилади.

Я.Н.Засурский таъбирича “Санъатнинг жамиятдаги ўрни, рассомнинг Америкадаги тақдири, бадиий ижод психологияси - бу муаммоларнинг барчаси Драйзерни анчадан бери хавотирга соларди. 1915 йилда нашр этилган “Гений” романи ҳам уларга бағишланган. Америкалик рассом Юджин Витланинг ҳаёти ҳақида сўзлаб, Драйзер яна бир Америка фожиаси - рассом фожиасини тасвирлайди.” (Таржима бизники). [3]

“Асар қаҳрамони катта истеъдодга эга рассом Юджин Витладир. У ўз ижодида меҳнаткаш омманинг оғир аҳволини, кўзга ташланиб турадиган даҳшатли воқеаларни реал акс эттиришга интилади. Бу ҳақиқий санъат

кўпчиликка ёқади. Бироқ уларни сотиб олиш учун имконият йўқ. Бундай сурат пулдорлар дидига ёкмайди, шунинг учун улар олмайдилар. Яшаш имкониятларидан маҳрум этилган рассом ўз санъатини ташлаб, савдо соҳасидагиларга катта манфаат келтирувчи реклама фирмасига ўтади. Ундан сўнг бир нашриётнинг директори сифатида бойиб, пулдор-корчалонларга фойда келтирадиган иш қилиши билан ўз таланти ва санъатини барбод этади. ..." [1, Б.308]

Юджин Витла худди Клайд ва Керри каби бойлик ва муваффақиятга интилади. Бироқ бу қаҳрамоннинг мақсади маълум даражада, рассом бўлганлиги туфайли, гўзалликка ҳам бўйсундирилган. Юджиннинг эҳтиёжлари фақат бойлик билан чегараланиб қолмайди. У – санъат кишиси, гўзаллик шайдоси, молиявий фаровонлик унинг учун ҳаётнинг зинапояларидан кўтарилишга йўл очади, аммо бу унинг бой берган иқтидорининг ўрнини босолмайди.

"Даҳо" романи Драйзерни ташвишга соладиган жуда кенг ва муҳим муаммони – Америка санъатининг тақдири муаммосини, санъатнинг Америка воқелигига алоқадорлигини келтириб чиқаради. Драйзер ўз қаҳрамони Витлани жамиятдаги ноҳақликлар билан мурасага келганлиги, санъатини сотганлиги учун айблайди.

Молиявий фаровонликка эришишга интилиш натижасида Витла жамиятда нуфузли ўринни эгаллайди, аммо бу уни қониқтирмайди. У рассом бўлишга чек қўйиб, молия ишларида катта муваффақият қозонган бўлса-да, табиатан молиявий даҳо эмас, рассом бўлганлиги туфайли, молиявий устунликка эришгани билан ўзини ҳақиқий бахтли ҳис қила олмайди.

Драйзер Юджин Витланинг вужудини эгаллаб олган ҳиссиётларни куйидагича таърифлайди:

*"... But two things were significant and real--two things to which he was as true and unvarying as the needle to the pole--his love of the beauty of life which was coupled with his desire to express it in color, and his love of beauty in the form of the face of a woman, or rather that of a girl of eighteen. That blossoming of life in womanhood at eighteen!--there was no other thing under the sun like it to him. It was like the budding of the trees in spring; the blossoming of flowers in the early morning; the odor of roses and dew, the color of bright waters and clear jewels. He could not be faithless to that. He could not get away from it"*[2. Б.345 ]

Юқоридаги парчада Юджин Витланинг характерини тасвирлар экан, ёзувчи унинг учун икки нарса муҳим бўлганини таъкидлайди: буларнинг биринчиси у тасвирламоқчи бўлган атрофидаги дунёнинг гўзаллиги, иккинчиси –аёл гўзаллиги, аниқроғи ўн саккиз ёшли қизнинг гўзаллиги. Айнан кам ҳам эмас, кўп ҳам эмас, ўн саккиз ёшли қизнинг гўзаллиги. Юджин учун шу ёшдаги қизлар эндигина очилаётган чиройли гулларга ўхшайди. У ўрта ёшдаги аёллар гўзаллигини ҳам, оналик гўзаллигини ҳам тан олмайди. Уни фақатгина ўн саккиз ёшли қизлар

қизиқтиради. У яқин алоқада бўлган қизлар ёши ҳам шундан дарак беради: Стелла, Руби, Анжелае, Кристина ва Фрида – буларнинг ҳаммаси унинг ҳаётининг маълум даврида у билан бирга бўлган, аммо уларнинг кейинги ҳаёти уни қизиқтирмайди:

*“ It haunted him like a joyous vision, and the fact that the charms of Stella and Ruby and Angela and Christina and Frieda in whom it had been partially or wholly shadowed forth at one time or another had come and gone, made little difference. It remained clear and demanding. He could not escape it--the thought; he could not deny it. He was haunted by this, day after day, and hour after hour; and when he said to himself that he was a fool, and that it would lure him as a will-o'-the-wisp to his destruction and that he could find no profit in it ultimately, still it would not down. The beauty of youth; the beauty of eighteen! To him life without it was a joke, a shabby scramble, a work-horse job, with only silly material details like furniture and houses and steel cars and stores all involved in a struggle for what? To make a habitation for more shabby humanity? Never! To make a habitation for beauty? Certainly! What beauty? The beauty of old age?--How silly! The beauty of middle age? Nonsense! The beauty of maturity? No! The beauty of youth? Yes. The beauty of eighteen. No more and no less. That was the standard, and the history of the world proved it.” [ 2, Б.346]*

Мана шу юқорида кўрсатилган икки мотив, яъни атрофидаги дунё гўзаллигини тасвирлаш ва аёл кишининг гўзаллигини мадҳ этиш, Витланинг ривожланишини белгилайди. Юджин Витланинг эволюциясида ўн саккиз ёшли қизга эга бўлиш эҳтироси алоҳида ўрин тутди. Бу баъзида роман қахрамони тақдирининг мотивациясини ижтимоий ҳолатдан физиологик, биологик ҳолатга, реал ҳолатдан натуралистик ҳолатга ўтказди. Юджиннинг ўн саккиз ёшли қизга бўлган эҳтироси ҳатто ижтимоий шароитдан ҳам устун келади.

Унинг гўзал аёлларга ўчлиги, хирсининг кучлилиги туфайли оиласи барбод бўлади, фариштамисол рафиқаси асаблари бузилганлиги туфайли қизчасини дунёга келтириш жараёнида қийналиб оламдан ўтади. Витла ўз қилмишларидан пушаймон бўлади, рафиқасидан кечирим сўрайди, аммо энди кеч бўлган эди

Демак, Юджин Витла образидаги натурализм икки омил туфайли вужудга келади, биринчи омил унга жамият, атроф муҳит таъсири, яъни ташқи таъсир бўлса, иккинчи омил унинг чиройли ва ёш қизларга ўчлиги, яъни биологик, физиологик ички таъсир. Мана шу таъсирлар туфайли унинг иқтидори емирилади, яъни у бу таъсирларга қарши кураша олмайди, ожизлик қилади ва енгилади.

#### Адабиётлар

1. Азизов Қ., Қаюмов О. Чет эл адабиёти тарихи - Тошкент: Ўқитувчи, 1987. –Б.308.
2. Dreiser, Theodore. The "Genius". - [EBook #31824], 2010. – P.345.
3. <http://american-lit.niv.ru/american-lit/zasurskij-drajzer/roman-o-hudozhnike.htm>

|   |     |
|---|-----|
| Xayrullayeva Nodira. INGLIZ IQTISODIYOTINING STRUKTURAVIY VA METAFORIK MODELLARI SHARTLARI .....  | 63  |
| Saidova Zulfizar Khudoyberdievna. COMPARATIVE ANALYSIS OF PHRASEOLOGICAL UNITS WITH SOMATIC COMPONENTS .....                                  | 65  |
| Usmonova Zarina Habibovna. STIVEN KING ROMANLARINING BADIY XUSUSIYATI VA UNING O'ZBEK ILMIY FANTASTIKASIGA TA'SIRI.                           | 67  |
| Yuldasheva Feruza Erkinovna. THE TRANSLATABILITY OF POLITENESS FORMULAS IN ENGLISH .....  | 69  |
| Зарипова А.С. ТОПОНИМЫ В АСПЕКТЕ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ И ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ.....  | 71  |
| Sadikov Erkin Tursunovich. THE ROLE OF AUTHENTICITY AND INTENSITY IN MODERN APPROACH OF TEACHING SPEECH ACTS ...                              | 73  |
| Elmanova Mastura Toshnazarovna. SYNCRETIC INTERTEXTUAL CHRONOTOPE IN THE NOVEL BELLEFLEUR BY JOYCE CAROL OATES .....                          | 77  |
| Саидова Зулфизар Худойбердиевна, Ибодова Мафтуна Бахтиёровна. СЕМАНТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ СОМАТИЧЕСКОЙ ФРАЗЕОЛОГИИ КОННОТАТИВНОЕ ЗНАЧЕНИЕ ..... | 79  |
| Abdullayeva Gulnora Gaybulloyevna. Abduvosiyeva Diyora. EFFECTIVE STRATEGIES FOR TEACHING AND LEARNING VOCABULARY .....                       | 82  |
| Ruziyeva Nafisa Zarifovna. THE DIFFERENCE BETWEEN EUPHEMISMS AND DYSPHEMISMS .....  | 85  |
| Сидика Абдурахмонова. КОНКРЕТ ШАХСЛАРНИ ИФОДАЛОВЧИ ПЕРИФРАЗЛАР ВА УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ .....   | 88  |
| Fayzieva Malikajon Choshovna, Kudratova Kamola Jamol qizi. THE IMPACT OF BILINGUALISM AND MULTILINGUALISM IN FLT.....                         | 90  |
| Улуғбек Очиллов. Теодор Драйзернинг “Даҳо” (“Genius”) романидаги Юджин Витла - хирсу ҳавасга энгилган даҳо образи .....                       | 93  |
| Qodirova Holida Xayriddin qizi. INGLIZ TILIDA O'QIB TUSHUNISH KO'NIKMASINI RIVOJLANTIRISHDA QISQA NIKOYALARNING ANAMIYATI .....               | 96  |
| Ruziyeva Nafisa Zarifovna. THE RELATIONSHIP BETWEEN EUPHEMISM AND TABOO.....  | 98  |
| Muhammadieva Nigina Mahmudovna. Differentiation of the concepts of emotionality, emotiveness, expressiveness .....                            | 102 |
| Джураева З.Р. ОСОБЕННОСТИ МИФОТВОРЧЕСТВА В РАССКАЗАХ БОРХЕСА .....  | 104 |
| Нурмурадова Шахноза Ибрагимовна, Каюмова Саидабегим Олимовна. ОСОБЕННОСТИ ОБУЧЕНИЯ РУССКОМУ ЯЗЫКУ ДЛЯ СПЕЦИАЛЬНЫХ ЦЕЛЕЙ .....                 | 107 |
| Нурмурадова Шахноза Ибрагимовна. РОЛЬ АУДИРОВАНИЯ В РАЗВИВАЮЩЕМ ОБУЧЕНИИ .....  | 109 |